

Дунёни ўзгартиришга қодир - табассум



16:26 / 31.05.2018 6124

“...Қандай яхшилик қилсангиз, шубҳасиз Аллоҳ уни билгувчидир.”

Ота - онасиз қолган бола нималарни ҳис этади?... Ораларимиздан кўпчилигимиз, болалик чоғларимизда бизни севадиган ва ҳар қандай инжиқликларимизни кўтарадиган ота-оналаримиз бўлган бўлсалар, мазкур ҳолатни ҳис этолмаймиз. Хаттоки вояга етиб, ота-онамиз, ё улардан бирини йўқотганимизда ҳам бу ҳолатни чуқур англашимиз маҳолдир.. Бу дунёда сизга энг яқин инсонингизни бошқа кўра олмаслик ҳақида ўйлашнинг ўзи жуда аламлидир...

Энди ота ёки онасини умуман кўрмаган, уларнинг меҳрлари, суйиб-эркалашларини ҳеч қачон ҳис этмаган болага қандайин ҳам оғирлигини тасаввур этиш қийин!

Нега бу қадар оғир синов ҳали бирон гуноҳ содир этмаган гўдакларга ҳам бериларкин? Қандай қилиб меҳрибон Аллоҳ бунга йўл кўяркин? Бу саволларга жавоб топиш мушкул, чунки биз ҳаётнинг фақат зоҳирий кўринишини кўрамиз. Уни ҳам яна маълум бир нуқтадан, маълум бурчакдан кўрамиз. Лекин шу билан бирга атроф коинотдаги жамики нарсалар Илоҳий хикматга бўйсунганини ва ҳар қандай синов - имтиҳон

эвази, бадалига хам эгалиги бизга аниқ маълум нарсадир. Бу оламда машаққатдан сўнг енгиллик келади, ўлимдан сўнг эса бу айрилик ва дард-аламларга сабр қилган, матонат кўрсатган зотларга улуғ ажру - мукофотлар бўлиб қайтади. Бизку ушбу ҳақиқатларни ақлимиз билан тушунамиз ва қалбимиз билан иймон келтирамиз.

Лекин жудаям эрта айрилик аламини тотган болакайни бу сўзлар юпатармикан? Ахир у оталик ғамхурлигини, оналик меҳри, илик тафтини ҳис этмоққа ва бахтли бўлмоққа ҳақли эмасмиди?

Агар жамият ота-она парваришидан маҳрум бўлган фарзандлар ҳақида қайғурмас, эътибор кўрсатмас экан, у ҳолда масъулият уларнинг тақдирида иштирок этиш имконида бўлиб, бирон нарса қилмаган ҳар инсоннинг зиммасига масъулият, жавобгарлик юклайди.

Қаровсиз колдирилган болалар ва етимларга нисбатан кўрсатилган бемехрликнинг салбий оқибатлари бутун жамиятга таъсир этмасдан қолмайди. Ота-оналик ғамхўрлигидан, оила ошёнидан маҳрум болалардан юз ўгириш, бу келажагидан ва ўз фарзандларининг келажагидан юз ўгиришнинг айнан ўзидир.

Қуръони каримда Аллоҳ субҳанаху ва таоло шундай марҳамат қилади: “Айтинг: “Қандай яхшилик қилсангиз, ота-онага, қариндош-уруғга, етим-мискинларга ва йўловчи- мусофирларга қилингиз. Қандай яхшилик қилсангиз, шубҳасиз Аллоҳ уни билгувчидир” (Бакара сураси, 215-оят.)

Ёки яна бошқа бир оятда:“...Сиздан етимларнинг (моллари) ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Уларнинг ислоҳ қилиш яхшидир.” (Бакара сураси 220-оят) дея марҳамат қилади.

Аллоҳ субҳанаху ва таоло бизнинг мулкларимизда етим ва мискинлар ҳақли бўлган улушни белгилаб қўйган. Закот беришлик фурсати етганда, ушбу белгиланган улуш бизники эмас, балки биздан кўра ушбу молга муҳтож бўлиб турганларнинг ҳаққига айланади. Садақаларимиздан ташқари ота- онасиз, етим болалар бизнинг меҳру-мурувватимиз, ғамхўрлигимиз ва севгимизга ҳам ҳақлидирлар. Шу сабабдан, фақатгина пул бериб қўйиш, ёки хайрия фондига пул ўтказишнинг ўзи етарли эмас, яхшиси, бизнинг меҳримизга муҳтожларнинг ёнига келиб уларнинг бошини силаш, улар билан бирга, ўйнаш, меҳр кўрсатиш мақбул ва савоблироқдир.

Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи васаллам етимликда вояга етганлар ва ўзлари ҳам етимларга мурувватли бўлганлар. У зот улар бирга гаплашиб ўтирар, бошларидан силар ва бу эътибор қалбни юмшатади дер эдилар. (Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадис шу мазмундадир). Фирдавс жаннатларига эришмоқ истагидагиларга мақсадга эришишнинг энг тўғри воситасини баён қилиб шундай марҳамат қилганлар: “Мен ва етимнинг кафиллигини олган жаннатда худди шу икки бармоқдаймиз” дея кўрсаткич ва ўрта бармоқларини кўрсатганлар”(Имом Бухорий ривояти)

Ҳасан Басрий ривоят қилишларича, Абдуллох ибн Умар розияллоху анхунинг олдиларига

тушлик қилишга бир етим бола келиб турарди. Бир куни Ибн Умар овқат ҳозирлашни буюрдилар ва болани ҳам чақиртиришни тайинладилар. Бирок етим болани топишолмади. Ибн Умар овқатланиб бўлганларидан сўнггина бола келиб қолди. Шунда Абдуллох ибни Умар унга “савик” ва асал келтиришни буюрдилар ва: Аллоҳга қасамки, сен ютқазмадинг, бенасиб қолмадинг” дедилар. Ҳасан Басрий айтадиларки: “Аллоҳга қасамки, ибн Умар ҳам ютқазмади”. (Қуртубий тафсири 76/8) Бу ўринда буюк саҳобий зот “савик” ва асал у киши тановвул этган овқатдан кам эмаслигини назарда тутган бўлсалар, Ҳасан Басрий эса у зот ўзларидаги бор нарсанинг энг яхшиси билан етимни меҳмон қилиб, Аллоҳга хуш келувчи амални бажарганларини назарда тутганлар.

Нега биз бундай йўл тутмаймиз? Нега биз етим ва мискин-бечораларни ўзимизнинг дастурхонимизга ўтказмаймиз, ақалли уларни эсламаймиз ҳам? Ёки биз бемехрликдан сақланишнинг бошқа йўлини ўйлаб топганмизмики, ўша билан бизнинг машғуллимиз заифларга қайғуришдан кўра кўпроқ наф келтиради деб ҳисоблаймиз? Аллоҳим, қанчалаб мўминлар бизнинг замонимизда улкан-улкан режа ва орзу хаёллар билан овораки, раҳмдиллик ва меҳр мурувват кўрсатишдан машғулдирлар, вақтлари йўқдир?

Ахир етим мискинларга беътиборлик ёки улардан жирканиш ёки паст назар билан қараш- бу мунофиқлик ва иймонсизликнинг аломатларидан эмасми? Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Жазомукофотни ёлғонга чиқарувчини кўрдингми? «Мааъуун» Етимни қўполлик билан ҳайдайдиган ўшадир. «Мааъуун» Ва мискинларга таом беришга қизиқтирмайдир.”**. (Моъуун сураси, 1-3 оятлар).

У кимса Аллоҳ ва Расулига имон келтирганда эди, бундай қилмаган бўларди. Чунки, Аллоҳ таоло унга мол-мулк ва мансаб - обрў ато этибдими, демак, бу неъматларни у кимсанинг жуда яхшилиги учун эмас, балки уни ушбу неъматларни қай йўсинда тасарруф этажагини имтиҳон қилиш, кўриш учунгина ато этгани англаган бўларди.

Ушбу ҳақиқатни тушунишни истамаганлар эса эртами кечми, албатта хорликка юз бурадилар. Агар ўтган хатони тўғрилашга имкон бўладиган фурсатда келса яхши, фақатгина моддий бойликлардангина маҳрум бўлса у банда учун яхши. Чунки, баъзида бало шундай келадики, ҳеч қандай мол-дунё уни даф этиш ёки вазиятни ўнглашга қодир бўлмайди. У пайтда инсонлар «Аллоҳим нима учун? Нега бизга бу мусибату балоларни юбординг?» дея нолалар чекишади. Қуръони карим эса уларга жавобан: «...Йўк, сизлар етимни иззат-икром килмассизлар! Мискин-бечорага таом беришга ҳам бир-бирларингизни тарғиб килмассизлар! Меросни эса (ўзларингизнинг улушингизга ўзгаларникини ҳам) қўшиб ейиш билан еяверурсизлар! Яна мол-дунёни қаттиқ муҳаббат билан яхши кўрурсизлар!» (Ал-фажр сураси, 17-20 оятлар) дея жавоб беради.

Аллоҳим, бизнинг йўл қўйган нуқсонларимизни авф этгин ва савоб ишларни четлаб, ўзимизга бино қўйишдан асрагин! Қалбларимизни бахилликдан халос этгин ва биздан Ўз марҳаматингни аямагин! Енгиллик ва мадад умидида дуо қилиб, Ўзингга қўл чўзаётган ака-ука, опасингилларимиз, Сенга муҳтож бандаларинг ҳақида қайғуриш, ғамхўрлик қилиш имконини бергин Аллоҳим! Омийн.